

PUDRAT SHARTNOMASI

Кармана тумани 2022 йил "09" август

313-5-71-IB/2022-son

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Кармана туман Ирригация бўлими номидан «Низом» асосида иш кўрувчи Б.Эшқуватов бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган ООО Қурувчи Таъмирчи-2019 номидан «устав» асосида иш кўрувчи Хамидов А иккинчи томондан, Кармана туман ирригация бўлимига қарашли суғориш каналларидаги гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш бўйича қўйидаги шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Кармана туман ирригация бўлимига қарашли суғориш каналларидаги гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш бўйича лойихада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "01" августдаги 126906-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 168 991 207 (Бир юз олтимиш саккиз миллион тўққиз юз тўқсон бир минг икки юз етти) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (конунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ___-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1 Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ___ кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (Ўттиз) фоизи миқдорига бўнак (аванс) ўтказилади, бу маблағ **50 697 362.10 (Эллик миллион олти юз тўқсон етти минг уч юз олти икки сўм 10 т)** сўмни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига бўнак (аванс) берилгандан сўнг, кейинги тўлов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга нисбатан мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.2. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риюя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.4. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.5. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.6. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.7. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.8. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.10. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.11. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.12. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлақларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.13. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

10.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.2. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

11.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

12.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишнадзорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

XIV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

14.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

14.2. Томонда ушбу Шартноманинг 6.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

15.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

15.8. Шартнома имзоланиб, Ҳазначилиқдан руйхатдан утгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача ҳисобланади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

9. Taraflarning rekvizitlari va imzolari:

Пудратчи:
ООО Қурувчи Таъмирчи-2019

Hisob-kitob raqami

20208000900992578001

STIR_306086331

Хамидов А

(vakolatli shaxs F.I.Sh. va imzosi)

Buyurtmachi:
Кармана туман Ирригация бўлими
Hisob-kitob raqami

100022860122347042402170001

STIR_305087759

Б.Эшқуваев

(vakolatli shaxs F.I.Sh. va imzosi)

[[QR]]	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	undefined
	Imzolangan sana	undefined
	Hujjat kodi	undefined
	Hulosa kodi	undefined

"QURUVCHI TA'MIRCHI-2019" MCHJ
Navoly sh. Lomonosova k. 13-3-9.
H.r.: 2020 8000 9009 9257 8001
ChEKI "Savdogar" ATB Navoly vil. filiali
MFO: 00201 INN: 306 086 331

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
XULOSA**

1. Loyihaning turi
Shartnoma.
2. Loyihaning nomi
Pudrat.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot
Karmana tumani Irrigatsiya bo'limi. 08.08.2022-yil. HR2257163877

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



B.Bozorov
08.08.2022-yil.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 126906 на приобретение Кармана туман ирригация бўлимига қарашли суғориш каналларидаги гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 01.08.2022

Время рассмотрения 01.08.2022 17:40

Конкурсная комиссия Кармана тумани ирригация булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ESHQUVATOV BURXON QAHRAMONOVICH	рахбар	в
Секретарь комиссии	KURBANOV JAMSHID AVAZBOYOVICH	Инженер гидротехник	Карман ТИБ
Член комиссии	IBROXIMOV OZODBEK ANVAR O'G'LI	Шуба бошлиги	Кармана ТИБ
Член комиссии	QARSHIYEV ZIYODULLA BARAKA O'G'LI	Шуба бошлиги	Кармана ТИБ
Член комиссии	SAYDOV ULUG'BEK BAXRIDINOVICH	Бош хисобчи	Кармана ТИБ
Член комиссии	JURAYEV ABDIRAXMON NARZULLA O'G'LI	Мутахассиси	Кармана ирригация

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.08.2022 года № лота 126906.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту сооружений
Подробное описание	Кармана туман ирригация бўлимига қарашли суғориш каналларидаги гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	170 000 000.00
Стартовая сумма	170 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Техника хафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда техника хафсизлиги бўйича малакали мутахасис бўлиши шарт талаби

Тип: Текстовое значение

Описание: Техника хафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда техника хафсизлиги бўйича малакали мутахасис бўлиши шарт талаби

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	ТБ	9	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	Техника хавфсизлиги бўйича	10	Экспертная		

Критерий №2 Ишларни бажарувчи (пудратчи)нинг юридик манзили аниқ кўрсатилиши (объект яқинлиги ахамиятга эга) кераклиги талаби

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажарувчи (пудратчи)нинг юридик манзили аниқ кўрсатилиши (объект яқинлиги ахамиятга эга) кераклиги талаби

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	гувохнома манзил	9	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	гувохнома манзил	10	Экспертная		

Критерий №3 Солиқ туловлардан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ туловлардан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	СОЛИҚ ҚАРЗ	9	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	Солиқ қарздорлиги	9	Экспертная		

Критерий №4 Қурилиш-монтаж ишларини смета-лойиха ҳужжатларига асосланиб ўз вақтида ва сифатли бажарилиши талаби

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш-монтаж ишларини смета-лойиха ҳужжатларига асосланиб ўз вақтида ва сифатли бажарилиши талаби

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	Кафолат хати	8	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	КАФОЛАТ ХАТИ МУДДАТИ	9	Экспертная		

Критерий №5 Reyting.mc.uz иловасида камида «ССС» тажрибага эга бўлиши кераклиги талаби

Тип: Текстовое значение

Описание: Reyting.mc.uz иловасида камида «ССС» тажрибага эга бўлиши кераклиги талаби

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	Reyting.mc.uz иловасида «ССС» тажриба	10	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	Reyting.mc.uz иловасида «ССС» тажриба	10	Экспертная		

Критерий №6 Курилиши хамда таъмирлашда бир йилда камида 1900,0 млн сўм айланма маблағ тўғрисида банк маълумоти бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиши хамда таъмирлашда бир йилда камида 1900,0 млн сўм айланма маблағ тўғрисида банк маълумоти бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	банк маълумоти	8	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	Банк Маълумоти	10	Экспертная		

Критерий №7 Корхонанинг моддий-техника базаси хамда мавжуд транспорт ва техник воситалари мавжудлиги (асословчи хужжатлари бириктирилиш шарт)

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанинг моддий-техника базаси хамда мавжуд транспорт ва техник воситалари мавжудлиги (асословчи хужжатлари бириктирилиш шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	техникалар	8	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	МТБ-рўйхати	9	Экспертная		

Критерий №8 Таклифнинг техник қисми(физ объем)

Тип: Текстовое значение

Описание: Таклифнинг техник қисми(физ объем)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	Физобём	9	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	ФИЗОБЁМ	10	Экспертная		

Критерий №9 Курилиш-таъмирлаш ишларида камида уч йиллик тажрибага эга бўлиши (иш тажрибаси бўйича маълумот хужжатларини илова қилиши) кераклиги талаби

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш-таъмирлаш ишларида камида уч йиллик тажрибага эга бўлиши (иш тажрибаси бўйича маълумот хужжатларини илова қилиши) кераклиги талаби

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	ИШ ТАЖРИБАСИ	9	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	3-йиллик иш стажи	10	Экспертная		

Критерий №10 Иштирокчи корхонанинг омборида қурилиш-таъмирлашда керак бўладиган махсулот мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг омборида қурилиш-таъмирлашда керак бўладиган махсулот мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	10	омборхона остатка	8	Экспертная		
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	ОМБОР ОСТАТКА	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	170 000 000.00	169 607 032.00 UZS	169 607 032.00	00.00	169 607 032.00	28.07.2022 20:03:46	14.95
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	170 000 000.00	168 991 207.00 UZS	168 991 207.00	00.00	168 991 207.00	28.07.2022 20:34:54	15.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	73.95	14.95	88.9
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	81.6	15	96.6

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 126906 от 01.08.2022 года на приобретение Кармана туман ирригация бўлимига қарашли суғориш каналларидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019
306086331

и резервный исполнитель: QIZILTEPA COTTON TRANS X K (302403739)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ESHQUVATOV BURXON QAHRAMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	SAYDOV ULUG'BEK BAXRIDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	IBROXIMOV OZODBEK ANVAR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	QARSHIYEV ZIYODULLA BARAKA O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	JURAYEV ABDIRAXMON NARZULLA O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Навоний вилоятида 2022 йилда қўтилган сув таъқислигининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан гидротехник иншоотларнинг таъмирлаш, насос агрегатлари сотиб олиш, насос агрегатларини таъмирлаш, сугориш қудук куриш ишларининг ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

№	Каналлар номи	Таъмирланадиган иншоотнинг		Таъмирлаш учун талаб этилади				Жами маблағ, млн сўм	Сув таъминоти яхшиланадиган майдон, га	Насос агрегатларини таъмирлаш (дона)	Суммаси млн сўм	Насос агрегатлари сотиб олиш (дона)	Суммаси млн сўм	сугориш қудук куриш (лойиҳа смета ҳужжатлари учун) млн сўм	Жами ажратилган маблағ
		ПК	сон, дона	затвор	шт	винт	цемент, тонна								
Кармана-Қошмех ИТБ															
1	Чаули	ПК 52+00, 52+10, 72+90	3	1	3	3	5	44,5	1500						
2	Туркистон	ПК 25+00	1	1	1	1	2	5,5	850						
3	Ўлғ қирғоқ	ПК 57+70, 134+50, 168+00	3	1	1	3		75	2500						
4	Қошмех	ПК 0+00	1	1	1	10	7	220	4850						
	Жами:		7	2	5	7		345							
Кармана ТНБ															
1	Чап қирғоқ	ПК 00+00	1	1	1	1	1,0	17,8	150						
2	Чап қирғоқ	ПК 38+50	1	1	1	1,0	1,0	17,8	150						
3	Чап қирғоқ	ПК 208+90	1	1	1	1,4	1,4	31,6	180						
4	Чап қирғоқ	ПК 208+90	1	1	1	1,4	1,4	31,6	195						
5	Нарлай	ПК 00+00	1	1	1	0,9	0,9	17,2	140						
6	Хазора	ПК 00+50	1	1	1	1,5	1,5	31,8	170						
7	Навоий	ПК 169+75	1	1	1	0,9	0,9	16,3	110						
8	Навоий	ПК 180+07	1	1	1	0,7	0,7	10,9	90						
	Жами		8	5	6	7	8,8	175,0	1185						
Қошмех ТНБ															
1	Чордора	119+82	1	1	1	0,5	0,5	10,0	45						
2	Чордора	119+78	1	1	1	2	2	10,0	30						
3	Чордора	119+94	1	1	1	1	1	10,0	35						
4	Чордора	80+72	1	1	1	1	1	17,0	55						
5	Чордора	120+00	1	2	2	1	1	65,0	30						
	Жами		5	6	6	3	5,5	112,0	195						
"Тошрабат-Ўртачул" ИТБ															
1	Ўртачул	134+50, 149+90, 213+70	6	6	6	2	2	369	718						
2	Абдуқўли	51+15, 75+50	4	4	4	2	2	246	580						
	Жами:		10	10	10	4	4	615	1298						
Навбахор ТНБ															
1	Навхар	20+5, 34+00, 34+00	3	3	3	1,2	1,2	50	190						
2	Арабсарой	70+80, 80+60, 80+60	3	3	3	1,2	1,2	53	210						
3	Ариқжон	60+40, 60+40	2	2	2	0,8	0,8	45	140						
4	Дул-Дул	0+00, 41+00	2	2	2	0,8	0,8	39	150						
	Жами:		10	10	10	4	4	187	690						

№	Каналлар нөмі	Тасма ярамадыгының нөшөрүнүн				Тасма ярамаш үчүн талаб этилади				Жами маблаг, млн сүм	Сув тасма ноти яхшиланган мийлон, га	Насос агрегатларын и тасма яраш (доня)	Суммаси млн сүм	Насос агрегатларын сотиб олиш (доня)	Суммаси млн сүм	сугорин кулук куриш (лоня) сөгет хужатлари учун) млн сүм	Жами ажратил адиги маблаг
		ПК	сон, доня	загвор	шт	шт	шт	шт	цемент, тоня								
Хатирчи ТИБ																	
1	ТОСС	ПК14+27, ПК49+27, ПК134+60, ПК162+70, ПК224+43, ПК394+30	6	4	4	4	150	167.5	490								
2	Шабот	ПК62+80, ПК83+00	2	2	2	2	35	99.75	360								
3	Кадратон - Зарафшон	ПК103+00, ПК182+10	2	1	1	1	40	90.75	310								
	Жами:		10	7	7	7	225	358.00	1160								
1	Хаммаси		43				247	1792.0	4528	26	26	2045	22	22	924	23	4784.0



Қуни: Зарафшон ИТХБ хуруридаг НС ва 36

А.Убайдуллаев